

10–15 %; технологии больших данных позволят максимально точно оценивать клиента при выдаче кредита; значительная доля дохода будет приходиться на небанковские услуги. В рамках экосистем потребители будут получать помимо финансовых телекоммуникационные, розничные и прочие услуги; банковские операции будут проводиться почти мгновенно; клиенты будут получать только персонализированные предложения [4].

В это определение среди упомянутых выше инновационных методов управления коммерческими банками входит и инновационная стратегия, причем желательно определить стратегию заранее при реализации каждого процесса. На следующем рисунке также показана роль стратегии в банковской системе.

В заключение можно отметить, что для создания возможности управления хорошими идеями на основе инновационных технологий желательно привлечь в штат банка кадры с глубокими знаниями в области ИТ, возложить на них задачи разработка и внедрение новых программ, а также создание возможности повышения квалификации за рубежом.

При этом мы сможем улучшить объем активных и пассивных операций банка за счет внедрения новых видов услуг, характерных для экономики нашей страны, изучения зарубежного опыта в рамках инновационных услуг.

#### **Список использованных источников:**

1. <https://pv.uz/uz/news/opredeleny-zadachi-po-povysheniju-investitsionnoj-aktivnosti-bankov>.
2. [https://www.researchgate.net/publication/324544671\\_the\\_innovative\\_activity\\_of\\_the\\_banks](https://www.researchgate.net/publication/324544671_the_innovative_activity_of_the_banks)
3. *Инновации изменяют банковскую отрасль: принципы устойчивого развития в финансах [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <https://www.rbc.ru/trends/innovation/5d63fd8f9a7947e067daea90>, свободный. – (дата обращения 01.09.2019)*
4. *Цифровизация клиентского пути [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <https://www.bcg.com/ruru/about/bcg-review/digitalization-client-way.aspx>, свободный. – (дата обращения 05.09.2019)*

## **ПУЛ - КРЕДИТ СИЁСАТИНИ ТЎЛОВ БАЛАНСИГА ТАЪСИРИ**

**Муминова Нигора Исроиловна**

Мамлакатда ички нархлар барқарорлиги таъминланиши макроиқтисодий ва ижтимоий барқарорликнинг кафолати бўлиб, иқтисодий ислохотларни жадаллаштириш ва ривожлантириш дастурларини муваффақиятли амалга оширишда зарурий шароит ҳисобланади. Бунда инфляциянинг паст ва барқарор кўрсаткичлари мувозанатли иқтисодий ўсишни таъминлаш,

ишлаб чиқариш рақобатбардошлиги ва аҳолини яшаш даражасини оширишнинг муҳим омили саналади.

Шу билан бирга глобал молия-иқтисодий тизимидаги мураккаб ва тез ўзгарувчан, шунингдек, валюта муносабатларини тартибга солишни либераллаштириш шароитида макроиқтисодий барқарорлик ва аҳолининг турмуш даражасини оширишни таъминлашга қаратилган монетар сиёсатнинг амалдаги инструментларини тубдан қайта кўриб чиқиш талаб этилмоқда.

Ривожланган ва ривожланаётган давлатларнинг марказий банклари тажрибалари ҳамда халқаро молия институтлари изланишлари натижалари пул-кредит сиёсатини амалга оширишда нархлар барқарорлигини таъминлаш мақсадининг шак-шубҳасиз устуворлигини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, пул-кредит сиёсатини амалга ошириш тартиби ва кетма-кетлиги турли мамлакатларда иқтисодиётнинг хусусиятлари ҳамда таркибий тузилишига қараб фарқланади<sup>88</sup>.

Давлатимизда ҳозирги кунда “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги қонунига кўра, Марказий банкнинг бош мақсади миллий валюта барқарорлигини таъминлаш ҳисобланади. Бунда “миллий валюта барқарорлиги” тушунчасини икки хил, яъни алмашув курсининг хорижий валюталарга нисбатан барқарорлиги ёки унинг ички харид қобилияти барқарорлиги деб талқин қилиш мумкин. Алмашув курсининг эркин шаклланиши шароитида миллий валютанинг барқарорлиги унинг ички харид қобилиятини сақлаш орқали эришилади..

Пул-кредит сиёсати-ҳукуматнинг пул муомаласи ва кредит соҳасида олиб борадиган бош йўли ва мамлакат иқтисодиёти барқарорлигини ва унинг самарали фаолиятини таъминлашга, пул тизимини лозим даражада мустаҳкам сақлаб туришга қаратилган чора-тадбирларидир. Пул-кредит сиёсати орқали муомаладаги ортиқча пул массаси қисқартирилади ёки кўпайтирилади, инфляциянн пасайтириш чора-тадбирлари кўрилади. Марказий банк пул-кредит сиёсатини олиб боришда пул бозорига тўғридан-тўғри ўзининг бошқарув ваколатлари ёрдамида ва пул эмиссияси орқали таъсир ўтказиши мумкин<sup>89</sup>.

Жорий йилда фискал рағбатлантиришларнинг нисбатан мувозанатлашуви кутилиётган бўлса-да, ўтган 3 йилда кузатилган юқори фискал дефицитнинг ялпи талабни қўллаб-қувватловчи таъсирлари сақланиб қолинган. Меҳнат бозоридаги барқарорликнинг сақланиб қолиши, меҳнат ҳақи ва трансчегаравий пул ўтказмаларининг юқори ҳажмлари узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар ва кўчмас мулкларга бўлган талабни ўсишига ҳамда ушбу бозорларда нархларни ошишига олиб келган<sup>90</sup>.

<sup>88</sup> Концепция. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган.


<sup>89</sup> <https://qomus.info/encyclopedia/cat-p/pul-kredit-siyosati-uz/>

<sup>90</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки. Пул-кредит сиёсати шарҳи. 2022й.

2023 йил давомида иқтисодиёт ташқи шароитларнинг ўзгаришига мослашиб борди. Ташқи иқтисодий хатарларнинг таъсири қисқа муддатли ва дастлабки баҳолашларга нисбатан пастроқ бўлиши ҳисобига экспорт ва трансчегаравий пул ўтказмалардан валюта тушумларининг ўсиши кузатилди.

Жаҳон бозорларидаги нархлар динамикаси бўйича ижобий кутилмалар шаклланган бўлса-да, глобал иқтисодий фаоллик ва асосий савдо ҳамкорлар иқтисодиётлари ўсиши бўйича прогнозлар пасайишининг салбий таъсири

Иқтисодиётда амалга оширилаётган кенг кўламли таркибий ислохотлар ва инвестицион фаолликнинг ортиши ҳисобига сўнгги йилларда савдо балансида юқори тақчиллик шаклланди. Ушбу ҳолатда, инвестицион характерга эга бўлган товарлар, шу жумладан, машина ва асбоб-ускуналар импортининг (жами импортдаги улуши 40 фоиз атрофида) кескин ўсиши муҳим ўрин тутган.



**1-расм. Жорий операциялар ҳисобининг ЯИМга нисбати, фоизда**  
*Манба: Марказий банк*

Савдо балансидаги тақчиллик қисман трансчегаравий пул ўтказмалари билан қопланиб, тўлов балансининг жорий операциялар ҳисобварағида ҳам юқори тақчилликни ҳосил қилган. Бироқ, 2023 йилда пул ўтказмалари ҳажмининг кескин ортиши ҳисобига дастлабки баҳолашларга кўра ушбу тақчилликнинг ёпилиши кузатилган (1-расм).

Пул ўтказмалари ҳажмининг жорий динамикада сақланиб қолиши, экспортнинг импортга нисбатан юқорида суръатларда ўсиши ҳисобига жорий 2023 йилда ҳам 2-3 фоизлик реал ижобий фоиз ставкалари таъминланди. Шунингдек, мамлакатга валюта оқимларининг жорий тенденциясида юзага келаётган реал самарали алмашув курсининг мустаҳкамланиши ҳам пул-кредит шароитларини қатъийлаштириш орқали инфляцияни пасайтирувчи аҳамият касб этади.

Марказий банк 2023 йил якунлари бўйича ички ва ташқи иқтисодий шароитларда шаклланган вазият, статистик кўрсаткичлар, келгусида кутилаётган хатарлар ва уларнинг иқтисодиётимизга эҳтимолий таъсиридан келиб чиқиб ўз прогнозларини янгилади.

Янгиланган прогнозларга кўра, асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнозлари келгуси чоракларда пул-кредит сиёсатининг 2023-2025 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишларида келтирилган базавий сценарий доирасида шаклланиши кутилмоқда.

Инфляция даражасининг 2023 йилга нисбатан пасайишига қуйидаги омиллар хизмат қилади:

- глобал инфляциянинг пасаювчи динамикага ўтганлиги, хусусан, асосий озиқ-овқат товарлари нархи ўсишида пасайиш кузатилаётганлиги ва бунга мос равишда асосий савдо ҳамкорларимизда нархлар даражасининг ўтган йилга нисбатан барқарорлашиб боришидир.

- ўтган йилда юзага келган айрим инфляцион таъсирларнинг чиқиб кетиши ва жорий йилда жаҳон бозоридаги нархларнинг кутилаётган мувозанатли шаклланиши ҳам инфляция даражасининг пасайишига хизмат қилиши кутилмоқда.

Хулоса қилиб, жорий йилда юқори иқтисодий ўсишни таъминлашда хусусий ва хорижий инвестициялар ҳажми ва уларнинг самарадорлигини ошириш, иқтисодиётда ишлаб чиқариш потенциалини кенгайтириш ва зарурий ресурслар билан таъминлаш муҳим ҳисобланади.

Ўтган йилда юзага келган айрим инфляцион таъсирларнинг чиқиб кетиши ва жорий йилда жаҳон бозоридаги нархларнинг кутилаётган мувозанатли шаклланиши ҳам инфляция даражасининг пасайишига хизмат қилиши кутилмоқда, жорий операциялар ҳисобварағининг нисбатан мувозанатли бўлиши прогноз қилинмоқда, ташқи иқтисодий шароитларнинг барқарорлашиб бориши, миллий ва асосий савдо-ҳамкор мамлакатлар валюта курсларининг нисбатан мувозанатли шаклланиши, шунингдек, асосий экспорт товарларимиз жаҳон нархларининг юқорилигича сақланиб қолиши бўйича экспорт ҳажмининг ўсишига олиб келмоқда.

#### **Фойдаланиладиган адабиётлар:**

1. *Ўзбекистон республикаси президентининг қарори пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2017 йил 13 сентябрь, ПҚ-3272-сон*

2. *Концепция. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган.*

3. *Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки. Пул-кредит сиёсати шарҳи. 2023й.*

4. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-p/pul-kredit-siyosati-uz/>

5. <https://cbu.uz/upload/medialibrary/851/zj0hk3rkwofs0d0xl7jwgm18n3a13715/Kontseptsiya.pdf>